

Юнус Эмра
ҲАҚДАН СЎЙЛАР
БУ ТИЛИМ

Шеърлар



ЮНЕСКО. 1991.

ЮНУС ЭМРА СЕВГИ ЙИЛИ

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси
1991

Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига
Муҳаммад Солиҳ уйғунлаштирган.

Сўзбоши муаллифи — Тоҳир Қаҳҳор

Эмра Юнус.

Ҳақдан сўйлар бу тилим: Шеърлар / Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига Муҳаммад Солиҳ уйғунлаштирган; Сўзбоши муаллифи Тоҳир Қаҳҳор.— Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.—80 б.

Туркий адабиёт тарихида Аҳмад Яссавий бошлаб берган тасаввуф шеърляти анъаналари Туркияда ҳам муваффақият билан давом эттирилди. Юнус Эмра эса бу шеърлятни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу китобда сиз шоир ижодининг айрим намуналари билан танишасиз.

Эмра Юнус. Божественная правда: Стихи.

И (Турк)

Э 4702620102—175
М 352 (04)—91 Доп.—91 © Муҳаммад Солиҳ, 1991 й. (тарж)

ISBN 5-635-01161-6

ТУРКИСТОН ВА ТУРКИЯНИНГ ОЛТИН КЎПРИГИ

Инсон қўли билан қурилган неки бор беқарордир, фақат Оллоҳнинг яратганлари барқарордир, дейилади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Тарихда одамлар не-не кўприкларни, минораларни, саройларни, давлатларни, империяларни қурмадилар — бариси йиқилганини, нуранини, йиқилаётганини кўриб турибмиз. Зотан, булар моддиятга боғлиқ, модда эса мангу ўзгаришдадир. Аммо маънавият, руҳоният билан туташган инсоний, руҳий бойликлар борки, улар одамлар дунёси тургунча турaveraди. Энг эски турк-ислом маданияти, адабиёти намояндалари — «Туркистон пири» Аҳмад Яссавий ва Туркиянинг бундан етти юз йил аввал яшаб ўтган шоири Юнус Эмра ана шундай башарий мангуликка дахлдор шахслардир.

Аҳмад Яссавий ва Юнус Эмра номини бизнинг асримизда илк марта туркиялик олим Муҳаммад Фуод Кўприли жаҳон илм аҳлига билдирди: унинг «Турк адабиётида илк турк мутасаввуфлари» китоби (Истанбул, 1918 й.) бу икки улуғ шоир ва мутафаккирнинг ҳаётини, ижодини бутун қўлёзма ва босма манбалар асосида тадқиқ қилиб берди. Минг йиллар аввал аждоқлари Туркистондан фарбга юрган ва Туркияга асос солган туркияликларнинг адабиёти ҳам Туркистон билан чамбарчас боғлиқ. Туркистонлик Аҳмад Яссавий биринчи бўлиб шеърятда, хусусан исломий-туркий адабиётда илоҳиёт билан боғлиқ бир санъат йўлини очди: бу йўл бутун эски Турк элини — Турон дунёсини исломиятга башарият эришган энг тўғри руҳоний ва маънавий яшаш йўлига даъват этди. Унинг бу даъвати Олтой ва Тангри тоғларидан ошиб ўтароқ бутун Ҳиндистонда, Хазарда, Туркияда, Эрон ва Араб ерларидаги турклар юрагида садо берди. Бу садо — инсоннинг ўз Яратганини танишга ва севинишга, у яратган нарсаларга муҳаббат билан яшашга даъват эди. Аҳмад Яссавийнинг Туркистонда тарқалган Яссавия сулуки шоирлари каби (Ҳаким Ота, Сўфи Оллоҳёр, Азим Хожа ва бошқалар) Туркияда ҳам Яссавийга издош буюк шоирлар силсиласи яралди: булар Юнус Эмра, Ҳожи Бектош Валий, Сари Салтуқ, Қийикли Бобо, Ҳожи Байрам Валий... Бу бизга қадимда Туркистон ва Туркиянинг эли, тили бир бўлгани каби, адабиёти ҳам бир эканини кўрсатиб беради. Бу шоирлар, улуғ мутафаккирлар ўз ижодлари билан, пиру муршидлик фаолиятлари билан халқларни тарбияладилар, бу маънавий тарбия фақат улар ҳаётлигидагина барқарор бўлмай, вафотларидан кейин ҳам неча юз йиллар мобайнида давом этиб келмоқда. Бу ижодкорлар Туркистон ва Туркия орасидаги олтин кўприқдир. Шоир Юнус Эмра ана шу олтин кўприқнинг буюк бир бўлагидир.

Юнус Эмра қим, деган саволга йигирманчи йиллардан кейинги

авлод жавоб беролмаслиги табиий. Чунки бу шахс ҳақида ҳозиргача ҳеч сўз айтилмаган. Аҳмад Яссавийни диний-мистик адабиёт вакили деб таъқиқлаганлар унинг издошлари ҳақида сўзлашга ҳам йўл бермадилар. Аммо инсонлар яратган таъқиқлар беқарордир, вақтинчаликдир, мана, шукрки, ўтди, битди.

Юнус Эмра — Туркиянинг, турк миллатининг дунёга етиштириб берган энг буюк шоири. У ҳаётида ҳам, ижодида ҳам дин, мазҳаб, ирқ ажратмади, одамларни бой-камбағалга айирмади. У, инсон ўз Яратганини севиши, Оллоҳ яратган бутун борлиққа — дунёга, инсонга, бошқа махлуқларга бирдай муҳаббат билан яшаши керак, деган ғояни илгари сурди. Бу севги шоир ижодининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг қабртошига ўзи айтган «Севелим, севилелим» (яъни, Оллоҳни ва У яратганларини севаман, улар томонидан севиламан маъносида — Т. Қ.) сўзлари битилган. ЮНЕСКО ташкилотининг 1991 йили «Юнус Эмра севги йили» деб эълон қилганининг боиси ҳам ана шунда.

Бу санада бутун башарият Юнус Эмранинг 750 йиллигини нишонламоқда. Жумладан, биз ҳам шоир асарларини ўқий бошладик: шоир Муҳаммад Солиҳ таржимасида аввал унинг бир туркум шеърлари босилган эди, энди Юнус Эмра шеърларининг М. Солиҳ қилган ўзбекча таржималари Тошкентда ва Истамбулда нашр этилмоқда.

Демак, бугунги авлодимиз учун ҳам Юнус Эмрани танимоқ вақти етди. Бутун турклик дунёсида у «Ошиқ Юнус» номи билан машҳур. «Илк адим Юнус иди адима Ашиқ тактим» сатри ҳам шунга ишора. «Эмра» сўзининг бир маъноси, Зиё Қўқалп айтганидек, эски туркларнинг эмра қавми билан боғлиқ. М. Азиз Бўлэл ёзишича, эмра сўзи ошиқ маъносидадир. Шоир ҳақида Туркияда юздан ортиқ китоб бор, уларда Юнус Эмранинг ҳаёти ва ижоди теран тадқиқ қилинган. Аммо ҳаёти ҳақидаги маълумот турличадир. Биз у ҳақдаги сўнгги катта тадқиқотлардан бири — М. Азиз Бўлэлнинг «Юнус Эмрә ҳазратлари ҳаёти-девоғи» китобига суяниб, шуларни айтишимиз мумкин. Юнус Эмра мелодий 1240 йилда Сакарйа дарёси бўйидаги Сарикўй қишлоғида туғилган. Бу макон Туркиянинг Эскишеҳир шаҳри ёнида бўлиб, Сарикўй ҳозирда шоирнинг шарафига Юнус Эмра қишлоғи деб аталади.

Бир китобда айтилишича, шоирнинг Туркияда 12 та қабри бор, бошқа бир манбада эса, фақат Туркиянинг ўзида 15 та, ҳатто Озарбайжонда ҳам бир қабри бор, дейилади. Аммо бу Юнус Эмранинг шухрати сўнгисизлигидан, халқ ичидан низоҳатда афсонавийлаштириб юборилгандир. Асл қабри Сарикўйдадир, бошқа мазорлари унинг мақомларидир, деган фикр ҳақиқатга яқиндир.

Юнус Эмра бошланғич таълимни ўз қишлоғида, юксак билимларни эса туркларнинг илоҳиёт маркази, буюк Жалолиддин Румий макони Қўнёда олади. У араб, форс тилларини яхши билган. Қуръонни, Ҳадисни, бутун ислом билимларини мукаммал ўрганган. Ундан қолган мерос — «Рисолатун-нусҳия» ва «Девон» бу фикримизни нисботлайди.

Шоир ижоди ҳақида сўзлашдан аввал унинг турк миллати олдидаги ижтимоий-сиёсий хизматини таъкидламоқ муҳим деб ўйлайман. У яшаган давр — Салжуқ ўғиллари салтанати замони эди; араб ти-

ли — фан тили, форс тили — адабиёт тили ҳисобланарди. Бундай нотўғри йўналиш эски Туркистонда ҳам ҳукмрон эди. Аҳмад Яссавий исломий билимларни, илоҳий шеърларни турк тилида битгани каби унинг издоши бўлган Юнус Эмра ҳам ўз асарларини халқ шевасида — Онатўли турклари тилида ёзди. Осие ва Овруро бағридаги боболаримиз қурган Туркияда Олтой ва Туркистонда туғилган турк тилини ҳукмрон бир тилга айланишида бу буюк бир хизмат, миллий қаҳрамонлик эди.

Юнус Эмранинг адабий мероси асосан икки асардан иборат. Биринчи — «Рисолатун-нусхия». Шоирнинг «Сўз тарих еди йуз еди иди, Юнус жани бу йўлда фиди иди» сатрлари асарнинг ёзилган даврини — 707 ҳижрийни (мелодий 1307) билдиради. Асарнинг нусхалари ҳажман турличадир: байтлар сони 535 дан 630 гача ўзгариб туради. Бу маснавийда битилган тасаввуфий, ахлоқий, маърифий дostonдир. «Рисолатун-нусхия» — «Насихатлар китоби»да инсоннинг қай йўл билан ҳаётдаги нафсоний манфаат занжирларидан қутулиб, илоҳий йўлга кириви, руҳоний ҳаётга етишуви учун йўл кўрсатилади.

«Девон» нусхалари ҳам ҳажман ҳар хилдир: бирида 98 та, бирида 350 та шеър бор, яқин асрларда кўчирилган нусхаларда шеърлар сони 500 тагача мавжуд. Шоирнинг ҳар иккала асарининг ҳам асл нусхалари Туркияда ҳануз топилмаган, энг эскилари XIV—XV асрларга мансуб.

«Девон» башарий оламнинг бош масалалари — Оллоҳ, дунё, инсон, бориқ ва йўқлик, ўлим, ишқ, ахлоқ мавзусидаги шеърлардан тузилган.

Юнус Эмра ижодини турк-ислом маданиятини, Қуръонни, Ҳадисни билганларгина теран тушуниши мумкин. Масалан, шоир инсон моҳиятини шу тўрт қатор шеърда буюк бир файласуф, даҳо сифатида ифодалайди:

Бэн гэлмэдим дови ичин,
Бэним ишим сэви ичин,
Дўстун эви гўнуллэрдир,
Гўнуллэр япмаға гэлдим...

Яъни: мен дунёга даво қилиш учун, бу дунё молини, ерини, нарсаларини талашиниш учун келмадим; менинг ишим муҳаббатдир; Дўстнинг, яъни Оллоҳнинг уйи кўнгиллардир; кўнгилларни яратгани келдим.

Ҳақиқатан ҳам, дилида Тангри муҳаббати бўлган инсон дунёда тинч, ҳалол, зулмсиз, эркин яшайди. Фақат ўз ҳақидан фойдаланади, ўзганикига тегмайди. Аммо эски замонларда ҳам бундай комил одамлар кам эди, бугунда ундан ҳам кам. Туркиялик шоир Аҳмад Эр бир суҳбатимизда бу хусусда ниҳоятда қайғуриб гапирган эди: «Бугун дунёда томоғидан ҳалол луқма ўтадиган бирор инсон, бирор миллат, бирор жамяят қолмади — бутун дунё томоғидан ҳаром луқма ўтмоқда. Инсониятнинг бугунги фожиялари — муҳаббатсизлик билан боғлиқ. Ҳалол емаган одамда муҳаббат бўлмайди, бировга меҳр бўлмайди. Муҳаббат бўлмаса, икки инсоннинг муносабати сами-

мий бўлмайди, бундай оила тарқоқдир, бундай оилалардан иборат дунё жамиятлари ҳам тарқоқ ва муҳаббатсиздир!..»

Назаримда, бу фикрларда келажак асрда яралажак буюк бир янги фалсафий оқимнинг моеси мавжуд. Аслида, биз янги деяётган бу фикрларнинг негизи эски тафаккуримиздадир, Аҳмад Яссавий ва Юнус Эмра каби шоирларимиз ижоддадир. Утмишда ва бугун бу шоирлар Туркистон ва Туркиянинг олтин кўприги бўлиб хизмат қилган бўлсалар, келажакда бутун дунёни, жамики башариятни маънавият ва руҳониятнинг юксакликларига олиб чиқиши шубҳасиздир.

ЮНЕСКОнинг 1991 йилни «Юнус Эмра севги йили» дея эълон қилиши, 1993 йилни «Аҳмад Яссавий йили» деб нишонлашга тайёргарлик кўрилаётгани бу йўлдаги илк одимлардир. Биз ҳам, худди турк маданияти арбоби Намуқ Камол Зейбек орзу қилганидай, «XXI асрнинг севги асри бўлишини» умид билан кутамиз.

Юнус Эмра асарлари ва у ҳақдаги китоблар бутун дунё тилларига таржима қилинмоқда, махсус илмий тўплантлар, шоир асарлари асосида театр томошалари, концертлар уюштирилмоқда, фильмлар, ораториялар, симфониялар яратилмоқда, видео ва магнитофон кассеталари, альбомлар чиқарилмоқда.

Бугун, дунёда ҳукмронлик даъвосидаги бир неча ёш миллатларнинг таҳликаю тўполонлари кучайган бир замонда, биз — ўн бир минг йиллик тарихга, жаҳоний маданиятга молик икки юз миллионли турк халқлари Аҳмад Яссавийдек, Юнус Эмрадек дунёвий шоирларимиз борлиги билан фахрланамиз. Бу фахр кибру ғурур эмас, аксинча, бу улуг алломаларнинг асарларини олам аҳлига етказиш, башариятга хизмат қилишдан иборатдир.

Тоҳир Қаҳҳор

* * *

Бир соқийдан ичдим шароб, аршдан юксак майхонаси,
Ул соқийнинг мастларимиз, жонлар онинг мастонаси.
Бунда доим ёнғонларнинг кулли вужуди нор бўлур,
Ўт бўлиб ўта бенгзамас, билинмагай забонаси.
Бу мажлисининг мастларининг «Аналҳақ» дамлари бўлур,
Юз Халложи Мансур каби энг камида девонаси.
Ул мажлиси бизда бўлур, онда жигар кабоб бўлур,
Ул шамдирким бизда ёнар, ой ва қуёш парвонаси.
Ул мажлисининг бакрилари шул шоҳи Адҳам кабидур,
Балх шаҳринда юз минг ўлик, ҳар кўчада вайронаси.
Ишқ шаробин ичганлари, кел, бир назар айлаякўр,
Бир замонда неча дўнар ул мажлисининг паймонаси.
Юнус, бу жозиб сўзларинг жоҳиллара сўйламагил,
Билмасмисан жоҳилларнинг қандай кечар замонаси.

* * *

Биза дийдор керак, дунё керакмас.
Биза маъно керак, даъво керакмас.
Биза қадр кечасидир бу кеча,
Қўй, тонглар отмасин, саҳар керакмас.
Биза ишқ шарбатиндан сун, эй дали,
Биза ул жаннатда кавсар керакмас.
Бодёлар¹ тўла-тўла ичайлик биз,
Биз сархуш бўлмасмиз, хумор керакмас.
Юнус маст бўлибон тушди ошоқа,²
Ёлворур Топдиғина, ор керакмас.

¹ Б о д ё — сопол коса.

² О ш о қ — тубан, пастроқ тушмоқ.

* * *

Эй дўст, сани севгандан кетди ақлим, қолдим ман.
Дарёларни сайр этиб, уммонларда толдим ман.
Бир зарра ишқнинг ўти қайнатур денгизларни,
Тушдим мен ишқнинг ўтина, туташибон ёндим ман.
Қай жондаки ишқ бўлар — унда қайғу бўлмағай,
Бу ишқ манга, келгандан ғуссам кетди, кулдим ман.
Бир қуруқ оғоч эдим, йўл узра тушмиш эдим,
Эр манга назар қилди, марди жувон бўлдим ман.
Юнус, чин ошиқдурсан, отингни мискин қўйгил,
Жумласиндан ихтиёр мискинликка олдим ман.

* * *

Кўнгул юксакда кезар,
Дам-бадам йўлдан озар,
Таш, юзина у сизар —
Ичинда на бор эса.

Оқ соқолли бир хўжа,
Билмайди ҳоли нежа,¹
Умид этмасин ҳажа
Бир кўнгил йиқар эса.

Сағир эшитмас сўзни,
Кеча дейди кундузни,
Кўрдир мункирнинг кўзи,
Олам мунаввар эса.

Кўнгул тангрининг тахти,
Кўнгулга тангри боқди,
Ики жаҳон бадбахти —
Кимки кўнгул қолдирса.

Сан ўзинг на санарсан,
Бошқага чўқ қарарсан.
Тўрт китобнинг маъноси,
Будир агар бор эса.

Юнус, йўлдан озибон
Юксак ерда турмасин,
Син-ла сийрат кўрмага —
Севгани дийдор эса.

¹ Не жа — қандай.

* * *

Одамми ё иблисми, яратгани тангридур,
Ой ва кунни туғдириб, лайлу наҳор айлади.
Маъно надир иблисдан, фузулликдурур биза,
Туйган эсанг бу сўздан сирни ошкор айлади.
Тангри дерки, шул кула иноят мандан бўлар,
На шайтоғлар оздирар, на кимса кор айлади.
Олти минг етти юз йилдан кечган Одамни,
Тилга келтирди Юнус, энди такрор айлади.

* * *

Ота белиндан бир замон
Онасига тушди кўнгул.
Ҳақдан биза дастур бўлди,
Ҳазинага тушди кўнгул.

Унда мани жон айлади,
Эт ва суяк, қон айлади,
Тўрт, ўн кунда сал ўзгариб,
Тебранмоға тушди кўнгул.

Юрур эдим унда пинҳон,
Ҳақ буйруғи бермас омон,
Ватанимдан айирдилар,
Бу дунёга тушди кўнгул.

Мани бешикка солдилар,
Алим, оёғим кердилар,
Умр аччиғин бердилар,
Туз ичина тушди кўнгул.

Қунда ики бор чўзарлар,
Бошима ақча тизарлар,
Озғима эмчак сизарлар,
Нафс қабзина тушди кўнгул.

Уғлон бўлса султон қўнар,
Қим алин, ким юзин ўпар,
Ақл манга йўлдан бўлди,
Султонлиқга тушди кўнгул.

Бир чоғ ўтиб соқол битар,
Кўрганни кулгуси тутар,

Гўзаллар ёнимдан ўтар,
Севишмаға тушди кўнгул.

Хайрмас, қарғишни севар,
Ишламай, миниб тева,
Нафсининг изидан қувар,
Нафс уйина тушди кўнгил.

Қирқ бешинда сурат дўнар,
Қора соқола оқ инар,
Боқиб ҳайбатин кўргунча,
Ваҳимаға тушди кўнгул.

Йўлга кирар бошқаролмас,
Йигитликка қўли бормас,
Бу нарсаларни қўйиб,
Уясиға кирди кўнгул.

Уғил дер: эҳтимол, ўлмас,
Қиз дерки, ўрнидан турмас,
Ҳеч ким ўз ҳолини билмас,
Ҳолдан ҳола тушди кўнгул.

Улгунча ҳам шукр этарлар,
Сўнг макона ҳам элтарлар,
Тангри отин зикр этарлар,
Чўқ шукрга тушди кўнгил.

Агар бор эса амалинг,
Кенг бўлажак санинг қабринг,
Агар йўқ эса амалинг,
Ўтдан шароб ичди кўнгул.

Юнус англайдир ўз ҳолин,
Қисқа этажак у йўлин,
Бунда қўлдан келар экан,
Хайр ишлара тушди кўнгил.

* * *

Маъно баротин олдик биз яна қўлимиза,
Ҳақ сўзин берди ортиқ Подишоҳ тилимиза.
Ҳақ сўзларни сўйлармиз, элни ҳайрон айлармиз,
Жоҳиллар етолмаслар бу бизим сиримиза.
Сирримиза етолмас, сўзимиз англай олмас,
Ҳар кимса йўлдош ўлмас бу бизим ҳолимиза.
Ҳолимиза ҳолдош ўл, йўлимиза йўлдош ўл,
Мушкулинг аён ўлсин, бош эндир йўлимиза.
Бу бир ганжи ниҳондир, жоҳил на англар буни,
Неча ўрдак, неча ғоз қўнади кўлимиза.
Юнус, сан баҳри¹ бўлғил, ул нур кўлиға чўмғил,
Бу ҳақ сўзларни олғил, сингишсин қонимиза.

¹ Баҳри — денгиз қуши.

* * *

Ошиқ ўлдим бугун даврон ичинда,
Манамки паҳлавон майдон ичинда.
Бу дам ишқнинг суйи ила ювиндим,
Ажаб ориф манам ирфон ичинда.
Бугун ишқ баҳрининг ғоввоси бўлдим,
Жавҳар топдим шўнғиб уммон ичинда.
Манам бугун хароботу маломат
Бўлибон юрарам сайрон ичинда.
Агарчи куфр тўнин кийди сурат,
Жону кўнгил кўрур иймон ичинда.
Гар сан ориф эсанг они билгилким,
Кирибдир ул ўзи бу жон ичинда.
Они истагучи кўпдир, эй Юнус,
Маним муҳрим олган меҳмон ичинда.

* * *

Ичинг-ташинг мурдор экан, дўст найласин санинг ила,
Кўнгул кўзинг — нафсу ҳаво, ишқ найласин санинг ила.
Зокир-ла йўлдош бўлмадинг, содиқ-ла ҳолдош

бўлмадинг,

Бўлмас ера бординг, кўнгул, дўст найласин санинг ила.
Дунё ила унс боғлабон кўнгул кўзин кўр айладинг,
Зулмат тўлажак кўнглунга нур найласин санинг ила,
Бизга бир чин дарвиш керак, тўлди жаҳон даъво ила,
Туйган эсанг аслингни сен фол найласин санинг ила.
Дарвишликни санама зўр, бўлур сурат тузмак ила,
Дилда бўлса санинг ишинг ҳол найласин санинг ила.
Юнус, ҳамон хуш ҳол ила мардона сур давронингни,
Ҳамроҳ эсанг дўст йўлина ор найласин санинг ила.

* * *

Чорлайди ишқ била ошиқ,
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.
Бўлай десанг унга лойиқ
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.

Этиб кўр сен ўзинг ғайрат,
Алингда бор экан фурсат,
Бўлар бошингда ҳам давлат,
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.

Жонинг неча бўлар хаста,
Яна дунёга дамбаста,
Тажалли божамол иста,
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.

Бу дунёга ҳабо дерлар,
Ўлур охир — фано дерлар.
Уни иста — бақо дерлар,
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.¹

Вужудинг таркини қилгил,
Унинг айб этганин кўргил,
Ики оламда шод бўлгил,
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.

Надир бу ҳақ ила ҳолинг,
Надир бу ҳирс ила молинг.
Кўтаргил қил била қолинг,¹
Келабер «ҳу» дея сан ҳам.

¹ Қол — сўз.

* * *

Бор дард ила ён, юргил дармона эришгунча,
Сидқ ила қуллуқ айла Султона эришгунча.
Сувлар каби сайр айла, бир ерда қарор этма,
Олчоқлара оқ юргил уммона эришгунча.
Аъюб каби сабр айла, Ёқуб мисол чўқ йиғла,
Юсуф каби сан тағин Канъона эришгунча.
Доимо хор, ҳақир бўл, шояд Халил бўларсан,
Исмоил каби сан ҳам қурбона эришгунча.
Юнус, сан бу гавҳарни нечун бердинг нодона,
Бу йўлда налар чекдинг ул кона эришгунча.

* * *

Исрофил сури ила ер юзина бурилар,
Хароб бўлар барру баҳр, чархи фалак сурилар.
Кимса қолмағай бунда, жумласи борар унда,
Ул подишоҳ ўнгинда ҳақ тарози қурилар.
Аён бўлар жумла иш, паноҳ бўлмас ёд билиш,
Ки фалон ўғли фалон қора кулга қорилар.
Қўпар қиёмат қойим иккинчи чалганида,
Учинчи чалганида ернинг юзи ёрилар.
Жумла малоик турар, ер юзини тўлдирар,
Ҳукм айлашга подишоҳ маҳшара тикка келар.
Боғланар минг-минг сафлар, ошиқа йўқ ҳайфу хавф,
Эрта маҳшар кунинда явма-ямфун ўқилар.
Юнус, яроғинг шайла, йўл қўрқулидир балким,
У кун қатрон устинда қилдан сирот қурилар.

* * *

Яна бу боди навбаҳор, хушлик ила эсди яна,
Яна қишнинг совуқлигин, золимлигин кесди яна.
Яна ишрату дамсоз, этди яна, яна бир ёз,¹
Булбуллар берди овоз, қутли қадам босди яна.
Оғочлар турди товланиб, тўнлари рангга бўяниб,
Булбуллар гул узра қўниб бутоққа жон осди яна.
Яна янги хазинадан янги либос кийди жаҳон,
Олама нур сочди шу он оламларнинг дўсти яна.
Яна битди турли набот, ҳар бириси кўрди мурод,
Ҳақдан бўлди ерга имдод — ул Тангрининг амри яна.
Сўзим бу қиш учун эмас, ёхуд бу туш учун эмас,
Ҳар дам янги совға этмак маъшуқингнинг қасди яна.
Яна Юнус бошдан чиқиб, ору номусини йиқиб,
Эранларнинг² бодасиндан тўла қадаҳ ичди яна.

¹ Ёз — баҳор.

² Эран — валий, Тангрининг дўсти.

* * *

Кетди бу қиш зулмати, келди баҳор ноз ила,
Яна наботлар битди, жунбуш бўлди ёз ила.
Яна мурғизор¹ бўлди, уш янги гулзор бўлди,
Тор нағма тузар бўлди мусиқида соз ила.
Хушхабар келди дўстдан, безанди боғу бўстон,
Илм ўқир ҳазор дoston булбуллари бу зор ила.
Ким кўрмишдир бойқушнинг гулистона кирганин,
Лайлаклар ҳеч зикр этолмас бир латиф овоз ила.
Неча йил сақлар эсанг дурдона гавҳар ўлмас,
Лайлак лайлак-ла учар ҳамиша, боз боз ила.
Қўл қуши қўлдан қўла, гул қуши — гулдан гула,
Бойқуш вайрона севар, шаҳинқуш парвоз ила.
Ҳар шахснинг ўзлигини ўзига дуч айлади —
Содиқлар иқрор ила, сўфийлар намоз ила.
Жоҳил, мунофиқ, мункир жумла ақлина мағрур,
Ошиқлар дийдор севар, орифлар ниёз ила.
Дарвишлик деганлари тилдаги сўз эмасдур,
Ҳақ ила ҳақ бўлгана унда манзил дуз² ила.
Ман дарвишман деганлар, ёлғон даъво қилганлар
Эрта Ҳақ дийдорини кўрмайжак кўз ила.
Илму амал на фойда бир кўнгулни чўқтирсанг,
Ориф кўнгул айламак баробар Ҳижоз³ ила.
Улли мажлис қураарлар тўғрилар тўғри ила,
Ёлғон ёлғонни севар, ғаммозлар ғаммоз ила.
Кими дўконда баққол, кими ўзига хушқол,
Кими бир пулга муҳтож, кимиси жонбоз ила.
Қулга насиб бўлганни султон қўлдан ололмас,
Ҳақ қатига хос бўлур бир эски полос ила.

¹ Мурғ — қуш.

² Дуз — текислик, осон йўл.

³ Ҳижоз — эски мақом, қўшиқ.

Кўрмасмисан Адҳамни, тахтини тарк айлади,
Зулқарнайни ёйлади ё Хизир Илёс ила.
Бу дунёга инонма, ўзингники санама,
Ўзимники деганлар кетарлар хом бўз ила.
Ишқ ёғмури томчиси кўнгил кўкидан келур,
Муҳаббат гули кетирур ёғмури ҳам ёз ила.
Юнус, энди ғам ема, нетай, на қилай дема,
Манглайна ёзғонин инсон албатта кўрар.

* * *

Одим-одим илгари
Бу оламдан ичкари
Ун саккиз минг оламини
Кўрдим бир тоғ ичинда.

Етмиш минг ҳижоб кечдим,
Гизли пардалар очдим,
Ман дўст ила бирлашдим,
Топдим бир тоғ ичинда.

Кўрлар каби кўрмадим,
Сўзларинг суйлашмадим,
Висолинг-чун муножот
Қилдим бир тоғ ичинда.

Кўклар каби гурладим,
Ерлар каби инградим,
Сойлар каби йиғладим,
Оқдим бир тоғ ичинда.

Бир тўшак тўшамишлар,
Нур ила безамишлар.
Дедим бу кимникидир,
Сўрдим бир тоғ ичинда.

Тебранмадим жойимдан,
Айрилмадим шайхимдан,
Ишқдан бир қадаҳ олдим,
Ичдим бир тоғ ичинда.

Юнус айтар, кезарам,
Дўст қизитар бозорим,
Ул Оллоҳнинг дийдорин
Кўрдим бир тоғ ичинда.

* * *

Этайлик жавлон, қилайлик сайрон,
Маст бўлиб ҳайрон шайх эшигинда.
Бир неча улфат айлайлик узлат,
Чекайлик хилват шайх эшигинда.
Йўқотдим орни, истадим ёрни,
Кесдим зуннорни шайх эшигинда.
Топдим ҳимматни, кечдим зулматни,
Билдим ҳаётни шайх эшигинда.
Юнусам, илҳақ, дийдора муштоқ,
Эришдим ишқа шайх эшигинда.

* * *

Лутфинг тилармиз, Мавло,
Бизни маҳрум айлама.
Эй аълолардин аъло,
Бизни маҳрум айлама.

Маним гуноҳим чўқдур,
Ҳадди-поёни йўқдур.
Саънинг фазлинг ортиқдир,
Бизни маҳрум айлама.

Модомки, жон тандадир,
Жумла исён мандадир.
Лутфу эҳсон сандадир,
Бизни маҳрум айлама.

Халос айла нор¹ингдан,
Айирмагин ёнингдан.
Жаннатда дийдорингдан
Бизни маҳрум айлама.

Манинг каби тушкуна,
Ақли кетмиш шошқина,
Дўст Муҳаммад ишқина
Бизни маҳрум айлама.

Лутфни тилармиз нечун,
Каримсан анинг учун.
Минг бир исми ҳаққи-чун
Бизни маҳрум айлама.

Юнуснинг бу нафсиндан,
Тамоннасидир сандан,
Арш-аъло кўлкасиндан
Бизни маҳрум айлама.

¹ Нор — бу ерда «олов» маъносида.

* * *

Кўрганнинг ҳоли дўнар нишонсиз бенишона,
Асир эттинг оламини, сен ичирдинг паймона.
Санга бириккан бирлик, ул эрур жаҳонгирлик,
Сандан ўзга тириклик жумла боду инсона.
Санинг ҳикматинг йироғ, сансиз жонлара туроғ,
Санинг ёққаннинг чароғ умри абадий ёнар.
Сан хос-ул-хос муаллим, ошиқлар китобисан,
Мутлақ дийдор қопусин кўрганлар махлуқ санга.
Ҳануз ер кўк йўқ эди, луғатлар мафсуҳ эди,
Ошиқ-маъшуқ топинди ул бенишон жаҳона.
Сандан буйруқ бўлмасдан, ўқ отиб, ёй солмасдан,
Исрофил сур чалмасдан, неча жонлар уёнар¹.
Исрофил сур чалгани, жаннат пурнур бўлгани,
Денгизлар мавж ургани — фақат сенсан баҳона.
Кўз ўзини кўрмас, нишонинг кимсага бермас,
Юнуснинг ақли етмас, инон, бўлди девона.

¹ Уйғонар маъносида.

* * *

Кел, бошлайлик сўзни, хўш,
Жону кўнгул этар жўш.
Ишқ ила бўлайлик хуш,
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Кўнгулларни шод этар,
Қайғудан озод этар,
Жон мулкин обод этар
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Ёпиқ эшикни очар,
Ҳақни ёлғондан сечар,¹
Гизли² сирларни очар,
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Ғамни кўнгилдан сурар,
Душманларни кўр этар,
Кўнгулда тахтин қураар,
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Дарбандлардан оширган,
Ишқни жўшиб тоширган,
Қўрқулардан қутқарган
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Сани санга еткурган,
Ўлмиш жонни тир³ кўрган,

¹ Сечмоқ — ажратмоқ.

² Гизли — яширин, пинҳон.

³ Тир — тирик.

Билмасларинг билдирган
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Жондан ташвишни сурган,
Қулни ҳаққа еткурган,
Муродга ноил қилган
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Бу кўзлара нур берган,
Дилга севинч тўлдирган,
На тиласанг еткурган
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Шайтонларни сан кўр эт,
Мардуд бўлсин ул палид,
Муножот этиб сан айт,
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Жон кўзин очган удир,
Ҳам аршдан кечган удир,
Буни айттирган удир —
Ла илаҳа иллоллоҳ.

Доим айлагил шукр,
Шайтон этмасин макр.
Юнус, қалбдан эт зикр,
Ла илаҳа иллоллоҳ.

* * *

Ҳақдан келган шарбатни
Ичдик, алҳамдулиллоҳ,
Шул қудрат денгизини
Кечдик, алҳамдулиллоҳ.

Шул кўринган тоғларни,
Ул ям-яшил боғларни,
Соғлик, сафолик ила
Ошдик, алҳамдулиллоҳ

Бери кел, боришайлик,
Ёр эсанг ёрлашайлик,
Отимиз эгарланди,
Қўшдик, алҳамдулиллоҳ.

Қари эдик, ёш бўлдик,
Оёқ эдик, бош бўлдик.
Қанотландик, қуш бўлдик,
Учдик, алҳамдулиллоҳ.

Бордигимиз элларда,
Сафоли кўнгилларда,
Вафо Топдиқ¹ маъносин,
Олдик, алҳамдулиллоҳ!

Индик, Румда қишладик,
Кўп хайрлар ишладик,
Ва баҳор келди қайта,
Кўчдик, алҳамдулиллоҳ.

Топдиқнинг топусинда,
Қул бўлдик қопусинда.
Юнус мискин чиг² эди,
Пишдик, алҳамдулиллоҳ.

¹ Топдиқ Э м р а — Юнус Эмранинг шайхи.

² Ч и ғ — шудринг.

* * *

Ҳалол қилди маъшуққа ошиқ ўзин қонини,
Ошиқ нақшиндан ўқир ишқнинг Қуръонини.
Кетмас ошиқ кўзиндан ҳаргиз маъшуқ хаёли,
Кўр, қанча берур Зулайҳо Юсуфнинг нишонини.
Балқис ила Сулаймон бир замон ишққа тушти,
Истабон топмадилар бу дарднинг дармонини.
Кўкдаги Хорут-Морут ишқ учун инди ера,
Маъшуқ юзини кўргач унутти раҳмонини.
Мажнун-ла Лайло иши ажиб келур бу ҳалққа,
Абдураззоқ тарк этди ишқ учун имонини.
Бўм-бўш кўрмайдир ишқни кима ким йўлдош эса,
Султони эздирар, бошдан битирар хонмонини.
Ёриндан айри бўлгунча осилиб ўлмоқ яхши,
Ошиқ киши боғлайдир бўйнина арқонини.
Роҳат деган ошиққа маъшуқ йўлинда бўлар,
Сўрарлар эса эди ошиқлар бурҳонини.
Дармон будир ошиққа, хонин берар маъшуққа,
Бундан ўзга ер йўқдир тўкмоқ учун қонини.
Замона вафолари жафо қилар Юнуса,
Бир тўғри ёр топса ул фидо этар жонини.

* * *

Асири ишқ бўлдим яна, соқий, келтир паймонани,
Тўлдир қадаҳни, сун бери, ошиқ нетар афсонани.
Гоҳ борурман майхонаға маъшуқ тафарруж этмаға,
Доғлаб ҳасад йўлларини тўлдирур оҳим хонани.
Очғил қопуни, ҳей рафиқ, ман бунда сармаст келмишам,
Очмас бўлсанг гар қопуни, бузадирман майхонани.
Гоҳ тутарам Қазъба йўлин, гоҳ борурман майхонаға
Тун-кун асирман, юрурам, шояд топсам жононани.
Юнус баҳрий бўлмиш кезар, ишқнинг денгизинда юзар,
Ғаввос бўлган жавҳар севар, олур-чиқар дурдонани.

* * *

Илоҳи, жаннат уйина
Кирганлардан айла бизи.
Эрта кунда жамолини
Кўрганлардан айла бизи.

Маҳшарда халқ бўлар ҳайрон,
Чўқ юраклар бўлар бирён,
Аршнинг кўлкасинда сайрон
Этганлардан айла бизи.

Ё ҳойю ё қайюм самад,
Эҳсонина йўқдир адат.
Фирдавс боғчасинда абад
Қолганлардан айла бизи.

Бу дунёнинг жафоси чўқ,
Кими оч кезар, кими тўқ.
Шул мезонда савоби чўқ
Келганлардан айла бизи.

Боқма дунёнинг борина,
Тушиб доим ҳақ йўлина.
Баротини ўнг алина
Олганлардан айла бизи.

Мўминлара раҳмат бўлар,
Мунофиқлар маҳрум қолар.
Юнус кетар, тўғри йўла
Кетганлардан айла бизи.

* * *

Ман юрурам ёна-ёна,
Ишқ бўяди мани қона,
На оқилман, на девона,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Гоҳ эсарман еллар каби,
Гоҳ тўзарман ерлар каби,
Гоҳ бўзларман селлар каби,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Оққан сув каби йиғларман,
Дардли юрагим доғларман.
Ёрим-чун кўксим тиғларман,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Ман юрурам элдан элга,
Дўст сўрарам тилдан тилга.
Ғурбатда ҳолим ким билар,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Ғурбат алинда юрурам,
Дўстни тушимда кўрурам.
Уйониб малул бўлурам,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Рангим сариқ, кўзларим ёш,
Бағрим яра, жигарим тош.
Ҳолим билган дардли қардош,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Ишқинг мани маст айлади,
Олди кўнглум, хас айлади.

Ұлдирмакка қасд айлади,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

Ман Юнуси бечораман,
Ишқ алиндан овораман,
Бошдан оёғи яраман,
Кел, кўр, мани ишқ найлади.

* * *

Йиғла, кўзим, йиғла, кулмасман ортиқ,
Кўнгул дўста кетар, келмасман ортиқ.
На ғам бунда манга минг бор ўлурсам,
Онда ўлим бўлмас, ўлмасман ортиқ.
Ёнсин жоним, ёнсин ишқнинг ўтина,
Оқсин қонли ёшим, билмасман ортиқ.
Куйиндим ишқ ила, то кул бўлгунча
Бўяндим рангина, сўлмасман ортиқ.
Мани иршод этган муршиди комил,
Етар, бир қўлни ҳам олмасман ортиқ.
Борлигим йўқлига тенглашмиш маним,
Бугун жона бунда қолмасман ортиқ.
Фанодан бақоға кўч айлар бўлдик,
Йўналдим шул йўла, дўнмасман ортиқ.
Муҳаббат баҳрининг ғаввоси бўлдим,
Керакмас, Жайхуна чўммасман ортиқ.
Сўйлар ошиқ тилиндан буни Юнус,
Қачон ошиқ эсам, ўлмасман ортиқ.

* * *

Денгизлар бўлди бир қадаҳ, ташналигим қонмас маним,
Ингроқларим кесилмас ҳеч, кўзим ёши тинмас маним.
Юр биз билан агарда сен кирмоқ бўлсанг боғчалара,
Доим сайрар булбулларим, гулистоним сўлмас маним.
Бизим элнинг боғчаларин доим тозадир гуллари,
Маъмур эрур бўстонлари, ағёр гулим термас маним.
Мансур қадаҳин неча бор маъшуқ сунди алима,
Тўрт ёнимдан ўт урдилар, кимса ҳолим билмас маним.
Ёна-ёна кул бўлайин сан маъшуқнинг йўлинда,
Минг йил агар ёнар бўлсам сандан йўлим дўнмас маним.
Жоним, ишқнинг қуллигина Фарҳод бўлиб туттим бошим,
Доим йиғлаб кезаримни Шириним ҳеч сўрмас маним.
Юнус айтур, эй султоним, ишқинг ила ёнди жоним,
Гар этар эсанг дармоним, ортиқ жоним ўлмас маним.

* * *

Бу дунёнинг мисоли
Муаззам шаҳра¹ менгзар.
Вале бизнинг умримиз
Бир тез бозора менгзар.

Ҳар ким бу шаҳра келса,
Бир лаҳза бозор қилса,
Дўниб яна кетмаги
Келмас сафара менгзар.

Бу шаҳар хаёллари,
Турли-турли ҳоллари,
Алданмиш ғофиллари,
Худди айёра менгзар.

Бу шаҳарда чўқдир хаёл,
Васфина йўқдир мажол,
Ул хаёлга алданганлар
Иссиқда қора менгзар.

Бу шаҳар Султони бор,
Барчага эҳсони бор,
Султон ила бирлашган
Йўқ экан, бора менгзар.

Бу мискин Юнус дарвиш
Сарғармиш, хароб бўлмиш.
Вале ишқнинг даминда
Аввал баҳора менгзар.

¹ Шаҳар — шаҳар.

* * *

Сенсан маним жоним жони,
Сансиз қарорим йўқдурур.
Жаннатда сан бўлмас эсанг,
Валлоҳ, назарим йўқдурур.

Боқсам, сани кўрур кўзим,
Сўйлар эсам, сансан сўзим.
Сани кузатмоқдан ортиқ
Бирор шикорим йўқдурур.

Сўйлар эсам тилимда сан,
Туну куни кўнглимда сан.
Кўнглим, кўзим сани севар,
Ўзга нигорим йўқдурур.

Чун ман мани унутмишам,
Буйлаким санга кетмишам,
На ҳолдаман, на дамдаман,
Бир дам қарорим йўқдурур.

Агар мани Жаржис каби
Етмиш бор ўлдирур эсанг,
Дўниб, яна санга борам;
Зероки орим йўқдурур.

Юнус тамом ошиқ санга,
Кўрсат дийдоринги унга,
Ерим ёлғиз сенсан маним,
Ортиқ диёрим йўқдурур.

* * *

Ман бу жаҳона келмасдан
Султони жаҳонда эдим.
Сўзи буюк, ҳукми раво,
Бир ҳукми равонда эдим.

Бу ер юзина келмасдан,
Кўкка малоик тўлмасдан,
Бу мулк ҳам бунёд бўлмасдан,
Мулкни яратғонда эдим.

Унда ҳам ман одам эдим,
Бунда ҳам ман одам эдим,
Ичмиш эдим ишқ қадаҳин,
Фирқат маъбадинда эдим.

Юз йигирма тўрт минг хоси,
Тўрт юз қирқ тўрт табақаси,
Давлат мақоминда бугун
Ул олий хонадонда эдим.

Ғусса мани кўрмас эди,
Қайғу қўлин бермас эди,
Андиша шаҳридан ташда,
Бир латиф маконда эдим.

Юнус, бу жумла борлиқнинг
Қатинда бир зарра эмас,
Ҳам унда, ҳам бунда эдим,
Келган он боргонда эдим.

* * *

Ул қодир кун-паякун лутф этувчи Раҳмон менман,
Кесмасдан ризқини берган жумлалара Султон менман.
Нутфадан одам таратган, юмуртадан қуш яратган,
Қудрат тилини сўйлатган, зикр айлаган субҳон менман.
Ким бировни зоҳид этган, ким бировга фиққ ишлатган,
Айбларни ўлчагучи далилу бурҳон менман.

Бир қулиға отлар берган, аврату мол, ўғил берган,
Ҳам йўқ бирининг бир пули-ул Раҳмону Раҳмон

менман.

Қорни ёғдириб тўндирган, ҳайвонлара ризқин берган,
Бу жумла ишларни кўрган ҳам жонлара жонон менман.
Менман абад, менман бақо, ул қодир ҳақ мутлақо,
Эрта хизир бўлур гадо, уни қилган гуфрон менман.
Тўрт турли нарсадан ҳосил, билинг, ишда менман далил,
Ўт ила сув, тупроқ ва ел бунёд этган яздон менман.
Эт ва тери, сўнгак ва жон, пардаларини торттирган,
Қудрат ишим чўқдир маним, ҳам зоҳиру аён менман.
Ҳам ботинман, ҳам зоҳирман, ҳам аввалман, ҳам

охирман,

Ҳам ман улман, ҳам ул менман, ҳам ул Карим Субҳон
менман.

Йўқдур орада таржумон, ундаги иш манга аён,
Улдур манга берган лисон, ул денгизу уммон менман.
Бу ерни туғиб яратган, бу Аршу Қуршни юксалтган,
Минг бир оти бордир, Юнус, ул соҳиби Қуръон менман.

* * *

Тил билан сўйлайибон,
Сифатинга етмасман.
Ишқинга ғарқ бўлибон,
Қайдалигинг билмасман.

Сифатинг келмас тилга,
Сўзинг сиғмас таъвилга.
Ўзлигини ким билар —
Онинг учун сўрмасман.

Ҳам аввалсан, ҳам охир,
Ҳам ботинсан, ҳам зоҳир.
Бутун ерларда ҳозир,
Лек мен нечун кўрмасман.

Жонни манга сан бердинг,
Азроилга ол дединг.
Сандан ғайри кимсага
Омонатинг бермасман.

Кўрмасдан дали бўлдим,
Ақлим-ҳушим олдирдим,
Кўр, на девона бўлдим,
Ҳеч ўзима келмасман.

Сан Юнусни яратгон,
Кўтар ниқобни орадан.
Таслимдир жоним санга,
Елгон даъво қилмасман.

* * *

Эй дарвишлар, эй қардошлар,
На ажаб дардим бор маним.
Мажнун бўлур бир кўрганлар,
На ажаб дардим бор маним.

Дарвиш бўлган ор айламас,
Ошиқ бўлган зор айламас,
Ҳақимлар ҳеч қор айламас,
На ажаб дардим бор маним.

Дарёнинг мавжи чоғлади,
Ҳасрат юрагим доғлади,
Ҳолим билганлар йиғлади,
На ажаб дардим бор маним.

Дардина тушдим Мавлонинг,
Авворасиман савдонинг,
Мавжи пасаймас дарёнинг,
На ажаб дардим бор маним.

Дарвиш Юнус жўшдим яна,
Ишқ дардина тушдим яна,
Ёрдан айри тушдим яна,
На ажаб дардим бор маним.

* * *

Тавҳид на хуш нарсадур,
Кел, бирга тавҳид этали,¹
Тавҳида жонлар ташнадур,
Кел, бирга тавҳид этали.

Тавҳид этганлар маст бўлур,
Оллоҳга етар, дўст бўлур,
Тириклиги дуруст бўлур,
Кел, бирга тавҳид этали.

Тавҳид этар хўб малаклар,
Дўнар бу чархи фалаклар,
Ҳам ҳурилар, ҳам малаклар,
Кел, бирга тавҳид этали.

Тавҳидда турсин тилимиз,
Дийдорни кўрсин кўзимиз.
Дўст Муҳаммад пиримиз,
Кел, бирга тавҳид этали.

Тавҳид ила биз борали,
Ҳақга юзимиз бурали,
Юнус, бу йўлда турали,
Кел, бирга тавҳид этали.

¹ Э т а л и — этайлик.

* * *

Бир қўрқув тушди жонима,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?
Дармон бўлами дардима,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?

Тангридан амр келажак,
Жон гавдадан айрилажак,
Охиратга кел, деяжак,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?

Дунё тўнларим сўкажак,
Ювгучилар сув қуяжак,
Элтиб қабрга қўяжак,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?

Алар кетиб, ман қолажак,
Жасадим ёлғиз қолажак.
Мункир-ла Накир келажак,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?

Юнус айтур: тушдим дарда,
Туташиб ёнарам ўта,
Ҳақ қози бўлгани кунда,
Ажаб, ҳолим на бўларкин?

* * *

Айтобу дил мубталоман, дарда дармон истарам,
Ошиқи дилхастаман, жона жонон истарам.
Ёқуб каби Юсуф учун йиғладим, чекдим фироқ,
Юсуфман, зиндон ичинда фазли раҳмон истарам.
Тоқға бордим дўст жамолин кўрмоға Мусо каби,
Кетти ақлим, беҳуш ўлдим, сирри субҳон истарам.
Бир макона келмишамки, ул маним юртим эмас,
Хизр ила зулматга кирдим, обиҳайвон истарам.
Дафтари аъмолими юкладим, эттим азми роҳ,
Манзили мақсуд Ҳақдан амру фармон истарам.
Юнус Эмра, билмади ҳеч кимсалар ҳолинг санинг,
Ҳолими арз этмаға бир марди ирфон истарам.

* * *

Ё илоҳи, шул кўнгилда ишқни султон айладинг,
Оқибат маъмур этибон комил инсон айладинг.

Ул санинг йўлингда доим жонини тарк этадур,
Анга дўстимсан, дединг-да аҳли ирфон айладинг.

Қимгаки қаҳр айладинг, сурдинг қопудан, раббано,
Лаънат этиб, кет дединг, жойини вайрон айладинг.

Бир қулинг айб айлабон такмил ўтиз йил йиғлади,
Яна қилдинг тавбасин мақбулу хандон айладинг.

Бир қулинг чекди мухолифлар алиндан чўқ жафо,
Ушбу дунёда дуоси ила тўфон айладинг.

Бир қулингни ўтга оттирдинг алин боғлайибон,
Лутфу эҳсон айлабон ўтни гулистон айладинг.

Бир қулингга, кел маним ишқимда қурбон бўл дединг,
Фазлинг ила қайтарибон қўйни қурбон айладинг.

Қони Ёқуб йиғламоқдан оқди ики кўзлари,
Кеча-кундуз кулмайибон зору гирён айладинг.

Бир қулингни Миср ичинда ҳибс этиб, қилдинг залил,
Сўнгра шод этиб они ул Мисра султон айладинг.

Бир қулинг устина қуртлар тушибон хўб едилар,
Бир қулингга бир балиқ қорнини зиндон айладинг.

Бир қулингни фақр оти-ла дунёда ёқдинг тамом,
Бирини мулкни берибон ҳам Сулаймон айладинг.

Бир қулингга, кел дединг, Тур тоғина қилдинг Қалим,
Би асо бердинг алина они суъбон айладинг.

Бир қулингнинг отини қўйдинг Муҳаммад Мустафо,
Аршға юксалтдинг они, маҳбуби Раҳмон айладинг.

Неъматини васлинг-ла они сийладинг, ё Раббано,
Олами раҳмат этибон масту ҳайрон айладинг.

Қўп атолар қилдинг унда хўп жамолинг кўрсатиб,
Фазлинг ила осийлар дардина дармон айладинг.

Бошина урдинг саодат тожини ул сарварин,
Аҳли иймон ўлавин жонина жонон айладинг.

Ким биров куфр ила кетди бунда зуҳдим бор деган,
Ким биров кофир экан сан мусулмон айладинг.

Анбиёву авлиё кулмадилар бу даҳр аро,
Кўчти меҳнат-ла булар, васфини дoston айладинг.

Дунёда шод қилмадинг асло уларни, Раббано,
Кўзларин ёшин тўкиб, ҳолин паришон айладинг.

Юнусо, сан раҳмат эткил, ё Раҳиму ё Карим,
Чунки дунёда анга исломни эҳсон айладинг.

* * *

Билурман сани, ёлгон дунёсан,
Авлиёларни олгон дунёсан.
Қочгон қутулмас санинг алиндан,
Темир қафаслар қурғон дунёсан.
Севганим олдинг, мани йиғлатдинг,
Дўниб куларак боқгон дунёсан.
Сулаймон тахтин сан вайрон этдинг,
Маъсумлар бўйнини буккон дунёсан.
Дунё одам-ла етти бор тўлди,
Охир биздан-да қолгон дунёсан.
Фалак тегирмон, чарх уриб дўнар,
Унинг сувини солгон дунёсан.
Юнус ҳам само этиб чарх урар,
Бизим чархимиз бузгон дунёсан.

* * *

Бунча, кўнгул, ўргаттинг,
Жаҳона султонмисан.
Хукминг жонлар ичинда,
Жон ичинда жонмисан.

Боқишинг минг жон олур,
Дардинг юракда қолур,
Кўрган ўзиндан тонур,
Ошиқа жононмисан.

Нуринг дийдор нуриду,
Кўрган ўзин унутур.
«Тур»инг меърож Туридир,
Мусойи Имронмисан.

Юзинг кўрган кўз толар,
Ой туғмакка уёлар,
Кўрганлар ҳайрон қолар,
Юсуфи Канъонмисан.

Кимки ҳақға югурур —
Ул кимса дийдор кўрур,
Эшитган бош эгилур,
Соҳиби Қуръонмисан.

Ўлик кўрса тирилур,
Жон қалбина тўп бўлур,
Тупроқдан бир сас келур,
Исойи давронмисан.

Эсган ел кўрса тинар,
Давлат ҳукмина кирар,
Ҳар ерда амринг юрар,
Муҳри Сулаймонмисан.
Ишқ ошиқни шер этар,
Арслонни занжир этар,
Қаттиқ тошни мум этар,
Фарҳоди кўҳконмисан.
Юнус, севгидан сўзла,
Эранлар йўлин кўзла,
Розинг кўнгилда гизла,
Дардима дармонмисан.

* * *

Англармисан сен шу кунни: жумла олам урѐн бўлар,
На она ўғила боқар, на қардошдин дармон бўлар.
Тоғлар ериндан айрилар, ҳайбатидан кўк ёрилар,
Юлдузлар банди қирқилар, тушар ерга паррон бўлар.
Малик дўзахга чақирар, забонийлар¹ саф-саф турар,
Қўрқувиндан ер ёрилар, титрайибон ҳайрон бўлар.
Исрофил сурун уражак, халойиқ қалқиб туражак,
Сўнгра ҳисоб сўралажакким қози ул Султон бўлар.
Малик қурар, ҳай, дўзахни, қиёматнинг кўрдик комин,
Осийларни келтирарлар, кираринда бирѐн бўлар.
Забонийлар эгнинг тутар, келтириб дўзаха отар,
Тери ёниб, сўкилажак, тун-кун ишинг фиғон бўлар.
Юнус, санингки бу сўзинг, қон ёш ила тўлди кўзинг,
Ул Ҳазрата тутгил юзинг, яна ундан дармон бўлар.

;

¹ Забонийлар — гуноҳкорларни жаҳаннамга отадиган фаршталар.

* * *

Ишққа келган кўнгулда бир нишон бўлар,
Ишқ ила аслияти чўқ аён бўлар.

Кимса мақтамагай ошиқ ишини,
Кўрган буткул далидир дегон бўлар.

Кечган лаззат, дину миллатдан ҳамон
Бирдан жумла миллатдан ҳайрон бўлар.

Фарқ этмаган зуннор ила Мусҳафни
Дайру Каъба қатинда яксон бўлар.

Иморат этмаға вужуди сурат
Иморати Миср ичра хўб вайрон бўлар.

Тожу тахтин ташлаган султон экан,
Ишққа тушган гадо бир султон бўлар.

Юнус, маломат этма ишқ жавҳарин,
Ҳар жавҳарнинг қиймати чун пинҳон бўлар.

* * *

Ориф анга дерларки, ул кон бўлар,
Маърифат оламинда ул уммон бўлар.

Англайин маърифат йўлин деганга
Арш—минбар, фалак кўб сайрон бўлар.

Ҳақ дёяжак нафаси ҳақдан келар,
Сўйлаяжак сўзлари Қуръон бўлар.

Дарвишни Ҳақдан ортиқ ким билур,
Дарвиш улдир — хирқада пинҳон бўлар.

Ҳирс уйидин сан хабар берма, Юнус,
Эрга бир қуллик керак фармон бўлар.

* * *

Менман ул ишқ баҳриси,¹
Денгизлар ҳайрон манга.
Дарё маним қатрамдир,
Қатралар уммон манга.

Чун дўстга кетар йўлим,
Ул мулкка эришар қўлим.
Ҳақдан сўйлар бу тилим —
На қул, на султон манга.

Чунки келди Мустафо,
Қалби тўла пурсафо,
Ул этар бизга вафо,
Ундандир эҳсон манга.

Йўқ экан ул боригоҳ,
Сан бор эдинг, подишоҳ,
Бу ишқнинг алиндан, оҳ,
Дард бўлди дармон манга.

Шариат аҳли йироқ
Етолмас бу манзила,
Ман қуш тилин билураим,
Сўйлар Сулаймон манга.

Қоф тоғи заррам эмас,
Ой, қуёш қулдир манга.
Аслим Ҳақдир, шак эмас,
На қул, на султон манга.

¹ Баҳри — чағалай, денгиз қуши.

Одам яратилмайин,
Жон жисмга кирмайин,
Кавну макон бўлмайин
Ишқ ўлди сайрон манга.

Юнус бу халқ ичинда
Ўксуклидир, ҳақ билур,
Девона бўлмиш қичқирур —
Дарвишлик бўҳтон манга.

* * *

Ман дўст ила дўст бўлмишам
Кимсалар дўст бўлмас манга,
Мункирлар боқар кулишар,
Ҳатто салом бермас манга.

Ман дўст билан дўст бўлайин,
Улмасдан аввал ўлайин,
Жоними қурбон қилайин,
Дунё боқий қолмас манга.

Ман ошиқи бечораман,
Бошдан оёға яраман,
Ман бир дали девонаман,
Ақлим ҳам ёр бўлмас манга.

Айтурларки, ман — далиман,
Ман дўст боғи булбулиман,
Мавлонинг камтар қулиман,
Кимса баҳо бермас манга.

Дарвиш Юнус, неча айтдим;
«Ман бу дунёни тарк этам»,
Ёна-ёна дўста кетам,
Парда, ҳижоб бўлмас манга.

* * *

Чун яратдинг бу жаҳонни ул Ҳабибнинг ишқина,
Аршу фаршу осумонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Йўғ эди бу жумла олам, бор этиб бердинг вужуд,
Хуш замону худ маконни ул Ҳабибнинг ишқина.
Обу оташ, хоку боднинг қудратин жисм айлади,
Бердинг унғ ақлу жонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Ким сани инкор этарса, ўрнини қилдинг дўзах,
Дўстина бердинг жононни ул Ҳабибнинг ишқина.
Отимиз умматлар ичра хайр умматдир дединг,
Сан қўйдинг бу қутлу номни ул Ҳабибнинг ишқина.
Бизи бу фазлинг ила чун хайри уммат айладинг,
То абад қил жовидонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Жоҳилу осий, гуноҳқор фазлина келдик кому —
Тилармиз сандан имонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Чун кеча даврони умрим эрсаки мавти мараз,
Тут имонингда бу жонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Лутф этар, кечиргил айбим, боқма кўп исёнима,
Олма биздан интиқомни ул Ҳабибнинг ишқина.
Сийнамиз этма қоронғу, юзимизни айла оқ,
Айла талқин Ҳақ каломни ул Ҳабибнинг ишқина.
Эрта ул маҳшар кунинда гар Сироту гар ҳисоб —
Жумла хавфдан бер имонни ул Ҳабибнинг ишқина.
Кўзимиза кўрмаға дийдорингни айла насиб,
Бер биза юксак мақомни ул Ҳабибнинг ишқина.
Юнуси бечоранинг бу дардина сан қил даво,
Чун тилар дардина дармон ул Ҳабибнинг ишқина.

* * *

Бемаконман бу жаҳонда, манзилим, туроғим унда
Бунда сайр айларга келдим, боғча ила боғим унда.

Айюбманки, сабр топдим, Жаржисам,¹ минг карра ўлдим,
Ман бу мулкка танҳо келдим, бекулли² яроғим унда.

Юсуфам, бозора келдим, Мансур бўлиб дора келдим,
Арслонам — шикора келдим ва лекин ётоғим унда.

Булбулам, уш, ўта келдим, дилда маншур тута келдим,
Бунда мушким сота келдим, кину ким ўтлоғим унда.

Ким на биларки, ман на қушман, шул ой юзлиға дучман,
Ман азалдан сархушман, ичмаға аёғим унда.

Панд тутмазам — далиман ман, ҳар манзила кетмазам
ман,
Ушбу созни эшитмаға тутарли қулоғим унда.

Юнус бу фикраки толди, жаҳонни ортина солди,
Валлоҳи хуш лаззат олди, егали томоғим унда.

¹ Ж а р ж а с — Ҳазрати Исодан сўнг пайғамбар бўлиб келган-
лиги ривоят қилинади. Нақл қилинишича, Жаржас ўз қавми томо-
нидан етти марта ўлдирилган ва етти бор қайта тирилган.

² Б е к у л л и — хўб катта қурол.

* * *

Ишқ этагин тутмоқ керак,
Оқибат завол бўлмағай.
Ишқдан ўқисанг бир алиф,
Кимсадин савол бўлмағай.

Ишқ йўлина кирган эсанг,
Ишқ нелигин билган эсанг,
Ишқ йўлига мол надирки,
Жон ҳатто маҳол бўлмағай.

Агар гавҳар истар эсанг,
Қуллуқ айла орифлара,
Жоҳила юз минг гапирсанг,
Маъноси мақол бўлмағай.

Аслзодалар нишонин
Агар билмак тилар эсанг,
Ўзи ўгли бўлса ҳамки,
Сўзина вабол бўлмағай.

Кўрмасмисан шул арини,
Ҳар чечакдан болин олур,
Санинг ила парвонанинг
Уясинда бол бўлмағай.

Ишқ элиндан, мискин Юнус,
Заҳри қотиб, тарёк бўлмиш.
Илму Қуръон, зуҳду тоат
Ишқинда жалол бўлмағай.

* * *

Келинг бир назар айланг, нўлди¹ жаҳон ичинда,
Нечалар тупроқ бўлди бу оз замон ичинда.
Ул тоза гуллар сўлди, булбуллар ўтмас бўлди,
Ота-она йиғлабон қолди афғон ичинда.
Жонлари ўтга ёнди, қўзиларин гурт² олди,
Изидан қараб қолди зору гирён ичинда.
Ул неча ёронлара ҳасрат қолди жонлари,
Магарки топишурлар жаннат-макон ичинда.
Ул ипакдан кийганлар, ҳеч тўз қўндирмаганлар
Чурибон тупроқ бўлмиш энди кафан ичинда.
Ул кўзлару ул қошлар, ул инжу каби тишлар,
Ул танлар ва ул сочлар илон-чаён ичинда.
Бу дунёга инонма, жафосин сафо санма,³
Ҳеч завқина алданма ушбу вайрон ичинда.
Кимки бунга алданар, жафосин вафо санар,
Умрин берур зиёна чўқ пушаймон ичинда.
Дунёни бевафо бил, оч кўзингни яроғ қил,
Сан-да ўлажагинг бил, қолма гумон ичинда.
Юнус, сўйла сўзингни, ёв айлама ўзингни,
Оқарган кўр юзингни, қолма зиндон ичинда.

¹ Нўлди — на бўлди.

² Гурт — бўри.

³ Санма — ҳисоблама.

* * *

Ҳей ёронлар, бу дунёнинг
Сўнги вайрон бўлур бир кун.
Бунда мағрур бўлганларнинг
Бари пушмон бўлур бир кун.

Эрта жами ёронларнинг,
Ўлиб қабра борғонларнинг,
Бу дунёни кўрғонларнинг
Кўзи гирён бўлар бир кун.

На ажабдир, неча киши
Чекар дунё ташвишин,
Бунда фақир бўлган киши
Унда султон бўлар бир кун.

Фано мулкани тарк этган,
Бақо мулкани берк этган,
Бу дунёга кўнгул берган
Ташлаб равон бўлар бир кун.

Юзим қора гуноҳимдан,
Оламлар тўлди оҳимдан,
Умидим подишоҳимдан,
Дардга дармон бўлар бир кун.

Ҳар киши ҳам ошиқ бўлмас,
Ошиқлар ҳолини билмас,
Ошиқлар ваъдага эмас,
Ҳақга қурбон бўлар бир кун.

Юнус ўз пўстига беркдир,
Бу дунёда вафо йўқдир,
Бу чархнинг ишлари чўқдир,
Дўнар, ҳижрон бўлар бир кун.

* * *

Сан жонингдан кечмайин жонон орзу қиларсан,
Белдан зуннор ечмайин имон орзу қиларсан.
Ман арафа нафаси дерсан, илло беҳуда —
Малоикдан юқори сайрон орзу қиларсан.
Тифли нораста каби этагинг от айлабон
Қўла чавгон олмайин майдон орзу қиларсан.
Билолмадинг сан сани, на садаф, на гавҳарсан,
Мисра султон экан Қанъон орзу қиларсан.
Балиқдайин сувдасан, сувмас нени ютасан,
Умринг кечди ичмадинг, уммон орзу қиларсан.
Юнус, тушдинг бу дарда, Айюб каби сабр айла,
Дардни чекмасдан туриб, дармон орзу қиларсан.

* * *

Билмам, нетайин
Ишқнинг алиндан,¹
Қайга кетайин
Ишқнинг алиндан.

Тингла розимни,
Қўйдим оримни,
Эшит зоримни
Ишқнинг алиндан.

Борим берурам,
Қадра етурам,
Урён бўлурам
Ишқнинг алиндан.

Масканим тоғлар,
Кўзим ҳар чоғлар
Тинмай, қон йиғлар
Ишқнинг алиндан.

Қаддим ёй бўлди,
Бағрим най бўлди,
Ишим зор бўлди
Ишқнинг алиндан.

Юнуснинг сўзи,
Тўғридир ўзи,
Қон йиғлар кўзи
Ишқнинг алиндан.

¹ А л — қўл.

* * *

Олманг тандан жонимни, омон, оллоҳим, омон,
Кўрмадим жононими, омон, оллоҳим, омон.
Бир кез нурын кўрайин, пойина юз сурайин,
Жоним онда берайин, омон, оллоҳим, омон.
Оҳим кўка чиқмасин, малакларни ёқмасин,
Фалакларни йиқмасин, омон, оллоҳим, омон.
Зор айлама ишими, заҳар этма ошими,
Тўкма қонли ёшими, омон, оллоҳим, омон.
Юнус, жонинг шукрона, қурбон бўлсин жонона,
Отма мани ҳижрона, омон, оллоҳим, омон.

* * *

Бир дурри ятимманки, кўрмади мани уммон,
Бир қатраим иллоки уммондир, менман уммон.
Кел мавжи ажойиб кўр, дарёнинг ичиндадур,
Бир баҳри ниҳоятсиз қатрада бўлур пинҳон.
Дам урмади Мансурваш тавҳиди аналҳақдан,
Ишқ дорина дўст зулфи осмишди мани урён.
Бу олабий қасратда сан Юсуф ибни Яъқуб,
Ул олабий ваҳдатда на Юсуфу на Канъон.
Бунда демади Мажнун Лайло отини мавзун,
Гоҳ Лайли эдим онда, гоҳ Мажнун эдим ҳайрон.
Бу жисмим белгисидир отим Юнус экани,
Исмимни сўрар эсанг султондир, менман султон.

* * *

Умр боғчасининг гули сўлмасдан,
Уйон¹, кел, кўзларим, ғафлатдан уйон.
Ажал бир кун биза «кетдик» демасдан,
Уйон, кел, кўзларим, ғафлатдан уйон.

Нечун ғафлат ила мағрур бўлурсан,
Қарвон кечар-кетар, йўлда қолурсан.
Ки валлоҳи сўнгра пушмон ўлурсан,
Уйон, кел, кўзларим, ғафлатдан уйон.

Қалин тўшакда ётма дўна-дўна,
Бўлиб мағрур ухлама қона-қона,
Элтиб ташлар сани қоронғи синга,²
Уйон, кел, кўзларим, ғафлатдан уйон.

Юнус, ортиқ етар сўзинг, тутилмас,
Санинг кўмачларинг бунда сотилмас.
Юнус, ётмоқ ила дўстга етилмас,
Уйон, кел, кўзларим, ғафлатдан уйон.

¹ Уйон — уйғон.

² Синга — тобут, қабр.

* * *

Ҳақиқатнинг маъносин шаър ила билмадилар,
Эранлар бу роҳатни риё-ла қилмадилар.
Ҳақиқат бир денгиздур, шарият унда кема,
Кўплар кемадан чиқиб, денгиза кирмадилар.
Тўрт китобни шарҳ этган ҳақиқатда осийдур,
Зеро, тафсир ўқитиб маъносин илмадилар.
Шарият ўғлонлари баҳс этиб, даъво қилар,
Ҳақиқат эранлари даъвода турмадилар.
Ўтингни сўндир агар бу йўла кирган эсанг,
Ўтини сўндирмаган бу йўла юрмадилар.
Юнус, нафсинги ўлдир, бу йўла келган эсанг,
Нафсин ўлдирмаганлар бу дамни кўрмадилар.

* * *

Маним кўнглим, кўзим ишқ-ла тўлуғдир,
Тилим сўйлар ҳаққа, кўзим сувлидир.

Ўт оғочи каби ёнар юрагим,
Тутуним кўклара кетган йўлидир.

Санинг ишқинг денгиз, ман бир балиқчи,
Балиқ сувдан чиққан ҳамон ўлидир.

Қалқон-совут чидамас ишқ ўтина,
Ўқинг жона ботган ёйнинг ўқидир.

Юнус, сан Топдуқға қилгил дуолар,
Ошиқлар майдони аршдан улуғдир.

* * *

Ҳақ бир кўнгул берди манго,
«Ҳа» демасдан ҳайрон бўлур.
Бир дам келар шодон бўлур,
Бир дам келар гирён бўлур.

Бир дам қарасанг қиш каби,
Бир замҳари бўлмиш каби,
Бир дам башоратдан сўйлар,
Хуш боғ ила бўстон бўлур.

Бир дам келур сўйламас ҳеч,
Бир сўзни шарҳ айламас ҳеч,
Бир дам жаҳолатда қолур,
Ғафлатдаги нодон бўлур.

Бир дам дев бўлур ё пари,
Вайроналар бўлур ери,
Бир дам учар Балқис ила
Султони инсу жон бўлур.

Бир дам борур масжидларда,
Юз сураар анда ерлара.
Бир дам борур дайра кирар,
Инжил ўқир — руҳбон бўлур.

Бир дам келар Исо каби,
Улганларни тирилтирар,
Бир дам кирар кибр уйина,
Фиръавн ила Ҳомон бўлур.

Бир дам дўнар Жаброила,
Раҳмат сочар ҳар маҳфила,
Бир дам келур гумроҳ бўлур,
Мискин Юнус ҳайрон бўлур.

* * *

Шул маним кўнглим кўзи доимо ул шоҳни кузатар,
Ул нишонсизлар нишони бир нишонни кузатар.
Марҳам ўлди ҳожаминг савдоси бағрим бошина,
Бу на марҳамдир ажабким тотли жонни кузатар.
Вой онинг дарди алиндан жигарим қон-ла пишар,
Кўзларимдан қонли ёш оби-равонни кузатар.
Маъшуқнинг савдосина тушди кўнгул, сайрон этар,
Гоҳ инар ер юзина, гоҳ осумонни кузатар.
Қатралар баҳр бўлибон ҳайрону маст бўлди бу жон,
Расми жон чиқди макондан, ломаконни кузатар.
Бу заиф Юнусни кўрким жону бош майдондадир,
Бу фано таркин қилибон жовидонни кузатар.

* * *

Эй ишқ эри, оч кўзингни, ер юзина қил бир назар,
Кўр бу латиф чечакларни, безаниб уш келди, кечар.
Алар ёзда безанибон, тун-кун ҳаққа узанибон,
Бир сўрагин булардан сан — на тарафга азми сафар.
Ҳар бир чечак минг роз ила мақтар ҳақни ниёз ила,
Ҳар барги хуш овоз ила ул подишоҳни зикр этар.
Мақтар онинг қодирлигин, ҳар бир ишға ҳозирлигин,
Илло умр қисқалигин англар экан, ранги дўнар.
Ранги дўнар кундан куна, тупроға тўкилуру яна,
Бу ибратни англа сан ҳам, бу ибратни ориф сезар.
Бу сирри гар туяр эдинг, гар бу ғамни еяр эдинг,
Жойингда эрияр эдинг, сандан кетарди қаҳру бар.
На келмагинг келмакдурур, на билмагинг билмакдурур,
Сўнг манзилинг ўлмакдурур, туймаға қолмас бир асар.
Билдик, келган кечар эмиш, қўнган қайта кўчар эмиш,
Ишқ шарбатин ичар эмиш, ҳар ким бу маънони туяр.
Юнус, бу сўзларни қўйгил, ўз ўзингдан қўлинг ювгил,
Ҳақдан келганни эт қабул, чун ҳақдан бўлар хайру
шаър.

* * *

Бу вужуднинг шаҳрина ҳар дам кирасим келар,
Ичимдаги султоннинг юзин кўрасим келар.
Эшитурман сўзини кўрмасам ҳам юзини,
Юзини кўрмак учун жоним берасим келар.
Ул султон хилватининг етти қопуси бордурур,
Еттисиндан ичкари жавлон урасим келар.
Ҳар қопуда минг киши, юз минг посбони ила,
Ишқ қиличин тутибон барин қирасим келар.
Эранларнинг суҳбати орттирур маърифатни,
Жоҳилларни суҳбатдан ҳар дам қувасим келар.
Лайлои Мажнун менман, шайдои раҳмон менман,
Лайло юзин кўрмаға Мажнун бўласим келар.
Дўст келди манга меҳмон, шунча йил, шунча замон,
Унга Исмоилдайин қурбон ўласим келар.
Эранларнинг назари тупроғни гавҳар этар,
Эранлар қадаминда тўздай қоласим келар.
Мискин Юнуснинг нафси тўрт табиат ичинда,
Ишқ ила жон сиррина пинҳон бўласим келар.

* * *

Мусулмонлар, кўнгул шаҳри очилмас-ей, маломат бор,
Назар айланг бу дунёга — ажаб турли аломат бор.
Шариат кўкка чекилди, зулм ила эллар йиқилди,
Ерга юз суви тўкилди, қиёматдан ишорат бор.
На қози адлу дод айлар, на-да қайғуни шод айлар,
На уммий эътиқод айлар, на имомда тамомат бор.
Сўфий зуҳда риё қотар, қолган махлуқ яна баттар,
На донишманд ўқиб тутар, на масжидда жамоат бор.
Ғанийларнинг кетиб хайри, фақирнинг қолмади сабри,
На ўғилда она қадри, на онада шафоқат бор.
На пирлар ўлимин йўқлар, на хотунлар ишонч оқлар,
На қиз-аёл адаб сақлар, йигитларда жаҳолат бор.
Кўриб дарвишни ҳалқ қочар, кезар дарвиш эшик қоқар,
На бу халқ кўзини очар, на дарвишда қаноат бор.
Юнус Эмра, будир эрлик, билишда Ҳақни сарварлик,
Охиратга қилинг тирлик, бу дунёда далолат бор.

* * *

Бу зорликларниким булбул айлар —
Они ул айламас, илло, гул айлар.
Боқиб гулга кўрур дўстнинг жамолин,
Куйлагайким, мани дали шул айлар.
На кўргай гулда ул бечора булбул
Ки гулистон узра «ғул-ғул» айлар.
На кўринди шу Фарҳоднинг кўзина,
Қоялар кесибон ёра йўл айлар.
На кўринди шу Лайлидан Мажнуна,
Оқар кўзин ёши юздан, сел айлар.
Кими кофир этиб, кими мусулмон,
Они кимса этмас, илло, ул айлар.
Кима бойсан, кима йўқсул демаким,
Ўзи бою ва ўзи йўқсул айлар.
Бировни дунёда қилмагай ҳеч кам,
Бировнинг дардини беҳад мўл айлар.
Бировни дунёда ҳайвон яратур,
Бировни ўзина мухлис-қул айлар.
Бировга қўл сунуб Аршга чиқаргай,
Бировни ер қилар, қора кул айлар.
Бировга бир або бермас кийишга,
Бировнинг кийганин атлас жул айлар.
Бечора Юнусин олтин сўзини
Жоҳила сўйламанг, қизил пул айлар.

* * *

Ишқ аҳлина ё дунё, ё ҳариру ё полос,
Зероки кўнглин онинг босмади кир ила пос.
Иш амал ила битар, лойиқ ўлурса агар,
Керакса урён юргин, керакса кийгин либос.
Тиларсанким етмакни фароғат манзилина,
Бор, қаноат доринда нафсни бўғозиндан ос.
Нафснинг бўрлиғини ақлга сен алмаштир,
Борлиғингни йўқ айла, қолмасин санда ҳавас.
Бу жами гуноҳларинг сўнги мискинлик эмиш,
Бор, Юнус, бу дунёнинг таомин еганни ос.

* * *

Сан бу жаҳон мулкини Қофдан Қофга туттинг-ку,
Ё бу олам молини ўйнайибон юттинг-ку.
Сулаймоннинг тахтина шоҳ бўлиб ўтирдинг, бил,
Девга, парига бирдай ҳукмларни эттинг-ку.
Сан Фаридун ғазнасин, Нўширавон ганжини,
Қорун молини олиб ўз молингга қоттинг-ку.
Бу дунё бир луқмадир, оғзингда чайнадингки,
Чайнар экан ўзинг ҳам билмайибон юттинг-ку.
Умринг сани ўқ каби ёй ичинда титрайдур,
Иккиланиб ўтирмай сан бу ўқни оттинг-ку.
Чиқарганда ҳар нафас озаяди умринг, бас,
Чун коса ўрталанди, сан они тугаттинг-ку.
Ўлим бордир, билурсан, нечун ғофил бўлурсан,
Барчасидан айрилиб бориб сан ҳам ёттинг-ку.
Чун денгиза ғарқ бўлдинг, нақ бўғзингга келди сув,
Дали каби талпинма, эй бечора, боттинг-ку.
Минг йил шодийлик ила умринг узанса, Юнус,
Сўнг учи бир нафасдир, кеч ундан, унуттинг-ку.

* * *

Жамолинг партави гулзора тушди,
Ки шавқингдан булбуллар зора тушди.
Шароби ишқни ичиб бу кўнглим
Зеру забар бўлиб хуммора тушди.
Дардин давосини сўрсам табибдан,
Деди дардинг санинг бечора тушди.
Пора-пора бўлсин, овора бўлсин —
Кўнгулким сандайин бир ёра тушди.
Жамоли шаъмина ёндингми, Юнус,
Неча санинг каби парвона тушди.

* * *

Ҳолат ила манго бир ҳол кўринди,
Бир яшил санжоқли султон кўринди.
Кўзимнинг кўрганин сўйларам сиза,
Бир яшил санжоқли султон кўринди.
Санжоғини очди андоқ юриди,
Юрагимнинг ёғи ичда эриди,
Муҳаммаднинг ишқи аршни буриди,¹
Бир яшил санжоқли султон кўринди.
Санжоғи оқ эди, дўнди яшила,
Уйондим, ўзими урдим тош ила,
Оллоҳим, яна бир кўрсат туш ила,
Бир яшил санжоқли султон кўринди.
Санжоғини очди-ю тушди йўла,
Ёнинда етмиш минг ҳожиси бирла,
Кел, гуноҳкор қул, узрингни тила,
Бир яшил санжоқли султон кўринди.
Ошиқ Юнус сани сидқ ила топар,
Топмаганлар тўғри йўлиндан тонар,
Эй оллоҳим, бизи алардан қутқар,
Бир яшил санжоқли султон кўринди.

¹ Б у р и д и — буркади.

* * *

Ўзини билган кишининг
Юзини оқ этар бир сўз.
Сўзни тушуниб деганнинг
Ишини соғ этар бир сўз.

Сўз бўлар — кесар савашни,
Сўз бўлар — кестирар бошни,
Сўз бўлар, оғули ошни
Бол ила ёғ этар бир сўз.

Юра-юра йўлинг келар,
Ғофил бўлма билгинг ила.
Эҳтиёт бўл, кириб тилга
Жонингни доғ этар бир сўз.

Киши билар сўз дамани,
Демагай сўзнинг камини,
Бу жаҳон жаҳаннамани
Саккиз учмоғ этар бир сўз.

Юнус, сўйла сўз тотиндан,
Ҳам зоҳиру ҳам ботиндан.
Ҳазар бўл, шоҳ қанотиндан
Сани йироқ этар бир сўз.

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

Литературно-художественное издание

ЮНУС ЭМРА

БОЖЕСТВЕННАЯ ПРАВДА

С т и х и

Художник *М. Карпузас*

Ташкент, издательско-полиграфическое объединение им. Г. Гуляма

Адабий-бадиий нашр

ЮНУС ЭМРА

ҲАҚДИН СУЙЛАР БУ ТИЛИМ

Ш е ʼ р л а р

Нашриёт муҳаррири *Усмон Қўчқор*

Расмлар муҳаррири *А. Кива*

Техн. муҳаррир *Н. Сейдуллоева*

Мусахҳиҳ *К. Дўстматова*

ИБ № 5025

Босмахонага 31. 10. 91. берилди. Босишга 06. 11. 91. рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. Сирли қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. 4,20 шартли босма тобоқ. 4,41 бўёқ нусхаси. 2, 1 нашр босма тобоғи. Жами 10000 нусха. 136 рақамли буюртма. Баҳоси 2 с. 107—91 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129, Тошкент Навоий кўчаси. 30.

ЎзССЖ Давлат матбуот комитети Янгийўл ижара китоб фабрикаси, 702800 Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.